



FACTORS FOR ENHANCING YOUTH SOCIAL ACTIVITY IN ENSURING THE STABILITY OF SOCIAL RELATIONS

Orif Shukurov

Independent Researcher

Samarkand State Pedagogical Institute

Samarkand, Uzbekiston

ABOUT ARTICLE

Key words: globalization, youth, outlook, society, reforms, socialization, innovation, initiative, responsibility.

Received: 11.02.26

Accepted: 12.02.26

Published: 13.02.26

Abstract: The article examines the activity of young people in various spheres of society and the formation of socialization characteristics in the conditions of today's modernity, recommendations and descriptions are given for its further improvement.

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Ориф Шукуров

Мустақил изланувчиси

Самарқанд давлат педагогика институти

Самарқанд, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: глобаллашув, ёшлар, дунёқараш, жамият, ислохотлар, ижтимоийлашув, инновация, ташаббус, масъулият.

Аннотация: Мақолада бугунги замонавий шароитда ёшларнинг жамиятнинг турли соҳаларида фаоллиги ва ижтимоийлашув хусусиятларини шаклланиши тадқиқ қилинган, уни янада такомиллаштириш бўйича тавсия ва тавсифлар берилган.

ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ МОЛОДЕЖИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ СТАБИЛЬНОСТИ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ

Ориф Шукуров

Независимый исследователь

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: глобализация, молодежь, мировоззрение, общество, реформы, социализация, инновации, инициатива, ответственность.	Аннотация: В статье рассматривается активность молодежи в различных сферах жизни общества и формирование характеристик социализации в условиях современности, даются рекомендации и характеристики по ее дальнейшему совершенствованию.
--	--

Бугунги замонавий шароитда ёшларнинг жамиятда ижтимоий муносабатларда фаоллик даражаларининг ошиши уларнинг турли соҳаларда ижтимоийлашув хусусиятларини шаклланиши ва барқарор ижтимоий турмушдаги ўринларини мустаҳкамланишига олиб келади. Ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадлари замонавий жамиятдаги турли муносабатларда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий вазифаларни юқори даражада бажаришнинг асосий омиллардан биридир. Шу асосда ёшлар ижтимоий фаолиги такомилчи масалалари ҳозирги даврнинг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда ислохотларнинг янги босқичга кўтарилган даврида жамиятда ёшларнинг ватанпарварлиги, масъулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш каби муҳим фазилатларни шакллантириш муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Муурожаатномасида бугунги замонавий жамиятда кенг қамровли ислохотлар амалиётида ёшларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини юксалтириш, фуқаролик масъулияти, инновацион ташаббускорлиги ва маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаш лозимлиги юзасидан қуйидагиларни таъкидлайди: “Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу сабабли биз ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз”.

Замонавий шароитда жамият ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириш, уларнинг ижтимоий жараёнларни тўлақонли иштирокчисига айлантириш долзарб аҳамиятга молик масалалардир. Жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнида ёшларни инновацион ташаббускорликлари, уларнинг ижтимоий жараёнларнинг тўлақонли иштирокчисига

айланиши, тараққиётга оид тамойилларни намоён бўлишига хизмат қилишлари муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ёшларнинг ижтимоий ҳаётда бажарадиган муҳим фаолияти жамиятда тараққиётга оид муҳим анъаналар ва қадриятларининг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Жамият ижтимоий амалиётида фаоллик ёшларнинг жамият олдидаги бурчи ва масъулиятини англаши, қонунга ҳурмат туйғусини рўёбга чиқиши билан характерланади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 29-моддасида “Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда етарли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак”, деб таъкидланиши ҳар бир инсонга хос бўлиши лозим бўлган бағрикенглик тамойилини кўринишини ифодалаб беради.

Бу омиллар ёшларни ижтимоий фаоллиги ва маънавий маданиятини ривожланиш жараёни бўйича олиб бориладиган чора-тадбирларда сезиларли силжишларга олиб келиши лозимлигини намоён этади. Ёшларнинг ижтимоий жараёнларга чуқур интеграцияси борасидаги юқори натижалар жамият ва инсон тараққиёти концепциясини ривожлантирувчи омил сифатидаги долзарб қарашларни такомиллашувига хизмат қилади. Мазкур такомиллашув ўзининг ижтимоий характери, илмий ва ижодий асосланганлиги билан характерли ҳисобланади. Шу маънода олимларнинг фикрича, “Меҳнат унумдорлигини ошириш, сифатини яхшилашга ва инсоннинг ижодий ташаббускорлигига кўмаклашувчи инсон омилини фаоллаштириш ушбу ижтимоий иқтисодий ва маънавий вазибаларнинг тўғри, илмий асосланган ҳолда қўйилиши билан боғлиқдир”.

Айнан мазкур омилларни ҳисобга олганда ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишни кўзда тутиб иш юритиш, уларнинг ижтимоий тараққиёт жараёнига қўшадиган ҳиссаси салмоғини оширади. Бундай воқелик:

- ёшларнинг фаоллигини таъминлаш орқали ижтимоий жараёнларни сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтарилишига омил бўлади;

- ёшлар ва унинг ҳозирги замонавий ижтимоий муносабатлардаги ўрнини, бу даражани ижтимоий-маънавий тарбия жараёнлари орқали сифат жиҳатдан ўзгартиришни тақозо этади;

- ўз навбатида маънавий қадриятларга, ёшларнинг ижодий салоҳиятини максимал рўёбга чиқаришга эътибор қаратишни доимийлигини таъминлайди;

- юқори ижтимоий даража сифатида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий жараёнларга фаол интеграциясини таъминлайди.

Ёшларнинг ижтимоий қарашларини такомиллаштириш жамият тараққиёти соғлом ва конструктив завқли ҳаёт орқали улар учун қимматли бўлган бошқа мақсадларини амалга оширишда қўл келади, ёшлар имкониятларининг кенгайишини таъминлайди. Шунинг билан биргаликда жамиятда адолат ва барқарор ривожланишни таъминлаш, бу жараёнда ёшларнинг фаол иштирок этишини англади. Ёшлар индивидуал ҳолда ҳам, гуруҳий асосларда ҳам ҳам бир вақтнинг ўзида ижтимоий тараққиётнинг манфаатли гуруҳлари ва ҳаракатлантирувчи кучлари ҳисобланадилар. Ёшлар ижтимоий фаоллиги кўрсаткичларини яхшиланиши жамиятда маънавий ҳаётни барқарорлашуви, атроф-муҳитни асраб-авайлаш, имкониятлар тенглиги, шахсий эркинликларни кенгайиши, ижтимоий адолат ҳамда маданий ҳаёт даражаларининг ошишига хизмат қилади.

А.Саитқасимовнинг таъкидлашича, “Фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, уни жамият сиёсий жараёнларида ўзига хос ўринга эга эканлигини ҳамда мамлакатда барқарор муҳитни асраш борасида асосий вазифалардан бирини бажариши бўйича тегишли хулосаларни бериш муҳим аҳамиятга эга масала ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида жамиятда соғлом муҳит, соғлом турмуш тарзини, халқимизнинг тинчлиги, осойишталиги, фаол меҳнат муносабатлари ва ижодий салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириб бориш билан боғлиқ жараёндир”.

Шунингдек, албатта, ёшлар онгидаги деструктив қарашларнинг ўрнини конструктив ғоялар билан тўлдириш жамиятда ижтимоий-маънавий барқарорликни таъминлашнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Жамиятжа ижтимоий барқарорликни таъминлаш жараёнлари ўзига хос фалсафий қонуниятлар билан боғлиқ бўлиб, мазкур жараён жамиятнинг турли соҳаларида ёшларнинг фаоллигини инновацион шакллантириш муаммоларини назарий ва амалий жиҳатларини қамраб олади. Жамиятда вужудга келиши мумкин бўлган ёшлар ҳаётидаги маънавий маънавий беқарорлик жараёнлари ижтимоий ҳаёт ривожланишида салбий роль ўйнайди, шунинг учун ёшларнинг маънавий хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам муҳим чора-тадбирларни такомиллаштириш лозим бўлади.

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, уларнинг ҳуқуқий ва маънавий фаоллигини оширишда мамлакатимизда фуқаролар, ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат, жамоат, нодавлат ва ноижорат ташкилотларининг ўзига хос масъулияти, вазифалари ва хатти-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эгадир. Бу эса, ўз навбатида жамиятда соғлом муҳит, соғлом турмуш тарзини, халқимизнинг тинчлиги, осойишталиги,

фаол меҳнат муносабатлари ва ижодий салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириб бориш билан боғлиқ жараёндир. Р.Бегматовнинг таъкидлашича, “Ҳозирги кунда фан ва технологияларнинг энг илғор ютуқларидан фойдаланишга қодир бўлган замонамизнинг янги авлод кадрларини тарбиялаб етиштириш давр талабига айланмоқда. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, инсоният тараққиётининг бугунги босқичида ҳаётни ташкил этишнинг воситалари, манбалари, услублари ниҳоятда ўзгариб бормоқда. Одамлар ҳаётини фаровон қилишнинг янги-янги омиллари тобора ёркинроқ намоён бўлмоқда” .

Ижтимоий фаоллиқини шакллантиришнинг муҳим хусусиятларидан бири ёшлар масъулиятини юқори бўлишидир. Жамиятда ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда ёшлар ўзларининг фаоллигини намоён этиши уларнинг тафаккури, инновацион билимлари, маънавий қарашлари, ахлоқий тарзидан, миллий манфаатларни англашидан келиб чиқади. Б.Маматюсуповнинг таъкидлашича, “Ижтимоий фаоллик остида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифани қабул қилиш, қайта қуриш ёки янгидан изоҳлаш билан боғлиқ хулқ-атвор усуллари ва ҳаракатларини тушуниш керак бўлади” .

Ёшларни жамият ижтимоий барқарорлигини таъминлашда инновацион фаоллигини ошириш хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ёшлар ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, маънавий ва ҳуқуқий масъулиятининг ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ омиллар ҳисобланади;
- ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишда ижтимоий-сиёсий институтларнинг роли ва аҳамияти катта ҳисобланади;
- жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлаш, модернизация жараёнларини амалга оширишда ёшлар ижтимоий фаоллигининг ўрни муҳим ҳисобланади;
- жамиятнинг турли соҳаларида ёшлар масъулиятини шакллантириш муаммоларини назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиб бориш ва бу борада социологик тадқиқотлар ўтказиш муҳим жараёндир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатнома. 29 декабрь, 2020 й. www.uza.uz
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. 29-модда. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.
3. Саитова Л., Файзуллаева С. К вопросу о взаимосвязи культуры труда и духовного роста человека //Общественные науки в Узбекистане, 1997. -№1-2. -С. 37.
4. Сайтқасимов А. Жамият барқарорлиги ва шахс масъулияти. -Тошкент, Тафаккур, 2013. –Б. 3.

5. Бегматов Р. Ёшларни шукроналик руҳида тарбиялаш – юксак ватанпарварлик омили. //Ёшларда шукроналик ва ҳаётга позитив ёндошувни мустаҳкамлаш ижтимоий барқарорлик омили сифатида./Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, Nishon-noshir, 2014. –Б.105.

6. Маматюсупов Б. Ҳуқуқий маданият эндоген хусусиятларининг шахс ижтимоий фаоллигига таъсири. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2018. 13-14 бетлар.